

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ХУДУДИДАН ЎТУВЧИ УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИШДАГИ  
 АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ  
 ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРНИ БАЖАРИЛИШИ ҲАМДА ИЖРОСИ УЧУН  
 ТАВСИЯЛАР ҲАМДА ТАКЛИФЛАР.**

*Муминов Ахат Уктам ўғли*

*Жиззах Политехника институти ассистенти*

*info@jizzaxavtoyul.uz*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг йўл соҳасига оид қарор ва фармонларининг ижроси юзасидан Жиззах вилояти ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ишларни бажарилиши ҳамда ижроси учун тавсиялар ҳамда таклифлар.

**Анотация:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-98 сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисининг 2022 йил 15 мартдаги 40-сонли баёни.

**Калит сўз:** Реконструкция, жорий таъмирлаш, тўла таъмирлаш, табиий офатлар, битум ва ишлаб чиқариш.

**Annotation:** 2021 of the President of the Republic of Uzbekistan Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PQ-72 of December 30, 2021 and Resolution of the Presidium of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 40 of March 15, 2022.

**Keywords:** Reconstruction, current repairs, complete repairs, natural disasters, bitumen and production.

Жиззах вилояти ҳудудида руйхатга олинган **9354,0**км. узунликдаги автомобиль йўллари мавжуд. Шу жумладан:

Жиззах вилоятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 августдаги 169-сонли қарорига мувофиқ **2601** км. узунликдаги умумий фойдаланишдаги халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятидаги автомобиль йўллари мавжуд. Шундан:

-Халқаро аҳамиятдаги а/й - **168** км.

-Давлат аҳамиятидаги а/й - **1428** км.

-Маҳаллий аҳамиятидаги а/й -**1005** км.ни ташкил этиб, ушбу автомобиль йўлларида 310-дона темир бетон куприклар жойлашган.

Жиззах вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси балансида бўлиб, бошқарма таркибидаги туман йўллардан фойдаланиш корхоналари томонидан жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари бажарилади.

-Ички хўжалик, шаҳар, қишлоқ посёлка а/й -**6753,0**км.ни ташкил этиб, туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари ҳисобида туради.

**Реконструкция ишлари бўйича**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22-январдаги "2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги **98-сонли қарорининг 6-илоvasи 65-бандида** умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятидаги 4К253а "Жиззах ш.-4Р37 автойўлидан шахобча "Халқлар Дўстлиги шох кўчасига" автомобиль йўлидан М39 "Тошкент-Термиз" автомагистрал йўлига чиқиш учун 2022-2024 йилларда янги йўналишдаги 4 км. узунликдаги автомобиль йўли ва 700 пм.ли йўл ўтказгични қуриш ишлари киритилган бўлиб, 2022 йил учун 30 млрд. лимит маблағлари ажратилган.

Умумий фойдаланишдаги Автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш дирекцияси ДУК буюртмачилигида "Боштранслоиҳа" АЖ институти томонидан объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун архитектура режалаштириш топшириғи (АПЗ) олинган. Ёрдамчи лойиҳачи Гашлити АЖ томонидан ер ости ва ер усти



коммуникацияларини жойлаштириш бўйича объектнинг лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, ушбу қарорнинг 19-иловаси 285-бандида умумий фойдаланишдаги халқаро ахамиятидаги А376 "Кўқон -Жиззах" автомобиль йўлининг 246-252км, 273-282км. бўлакларида 15км. узунликдаги қисмини реконструкция қилиш ишлари 2023 йилда лойиха олди ва лойиха хужжатлари ишлаб чиқилиши дастурга киритилган.

- **Ўзбекистон Республикаси ВМ. Раёсати мажлисининг 2022 йил 15 мартдаги 40-сонли баёнининг 11-иловасида** умумий фойдаланишдаги давлат ахамиятидаги 4Р38 "М-39 автойули (962км) -Учтепа к-Жиззах ш.-М39 автойули (1013км)" автомобиль йўлининг 33+500 км. қисмида жойлашган йўл ўтказгични реконструкция қилиш ишлари киритилган бўлиб, "Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК буюртмачилигида лойихачи "Йўл инжиниринглойиха" МЧЖ томонидан объектнинг лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқилган. Объектни лойиха-смета хужжатларига берилган экспертиза хулосасида нархларнинг номутаносиблиги сабабли қайта қуриб чиқилмоқда.

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72 сонли қарорининг 9-иловасига** асосан умумий фойдаланишдаги давлат ахамиятидаги 4Р39 "Учтепа к.-Октом к." автомобиль йўлининг 0-26км, 4Р36 "Жиззах ш.-Янгикишлоқ к.-Кизилча к.-Кизилқум халқа йули" автомобиль йўлининг 24-74км, Жами 76км. узунликдаги қисмларини реконструкция қилиш ишлари киритилган бўлиб, объектларнинг лойиха-смета хужжатлари тайёрланмоқда.

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9-январдаги ПҚ-4563 сонли қарорининг 7-иловаси 167-бандига** асосан 4Р40 "Даштобод ш.-Зомин қ.-Бахмал қ.-Ғаллаорол ш" автомобиль йўлининг 24-130км, 130-182км. 158км.узунликдаги қисмини реконструкция қилиш ишлари киритилган бўлиб, объектнинг лойиха-смета хужжатлари тайёрланмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси ВМ. Раёсати мажлисининг 2022 йил 15-апрелдаги 54-сонли баёнига** асосан умумий фойдаланишдаги маҳаллий ахамиятидаги 4К248 "Работ қ.-Ардахшон қ." автомобиль йўлининг 7+225 км.қисмида жойлашган куприкни реконструкция қилиш ишлари киритилган бўлиб, 2022 йилга 4220,0 млн.сум лимит ажратилган. "Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК буюртмачилигида "Йўл лойихабюроси" МЧЖ томонидан объектнинг лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

#### Тўла таъмирлаш ишлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 апрелдаги 9-сонли йиғилиш баёнининг 3-иловасига асосан 2022 йилда вилоят ҳудудидан ўтувчи тўла таъмирлаш ишлари дастурига киритилган 2021 йилдан 2022 йилга ўтувчи **9,3** км. узунликдаги йўл қисмларида тўла таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун **11700,0** млн.сум лимит маблағлари ажратилган.

"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК буюртмачилигида 2та объектга **10964,1** млн. сумга пудрат шартномалари тузилган. 1та янги объектнинг лойиха-смета хужжатлари тайёрланмоқда.

Жорий йилнинг май ойида 4К253а "Жиззах ш.-4Р-37 йулидан шахобча йул " Халқлар Дўстлиги шох кучаси автомобил йўлининг 0-7км. қисмларида пудратчи Жиззах КФУК томонидан **2887,5** млн.сум тўла таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган бўлиб, амалда **3000,0** млн.сум бажарилиши кутилмоқда. бу режага нисбатан **104** фоизни ташкил этади.

Жорий йилнинг январ-апрел ойларида режалаштирилган **32373,1** млн сум режа амалда 100 фоизга яъни, **32373,1** млн.сумга бажарилди.

Ушбу ажратилган маблағлар ҳисобидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида транспортлар ҳаракати ҳавфсизлиги таъминлаш мақсадида **26,4** км. узунликдаги йўл қисмларига асфальтобетон ётқизилиб, **956102,9**м<sup>2</sup> йўл қопламасида ҳосил бўлган



чуқурчалар жорий таъмирланди. Шунингдек, **649**-дона эскирган йўл белгилари алмаштирилиб, **205**-дона йўл белгилари ўрнатилди, **131**-дона 1-тоифали химояловчи ва ажратувчи йўл тусиқлари, **396**-дона йўналтирувчи устунчалар ўрнатилди. **357** км.узунликда йўлнинг қатнов қисми чизилиб, **43**-жойга пиёдалар ўтиш жойлари белгиланди.

### **Табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ишлари бўйича**

2022 йилда умумий фойдаланишдаги ҳалқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятидаги автомобиль йўлларида жойлашган табиий офатлар оқибатида зарар кўрган 19-дона, 569,5 пм.ли куприкни тиклаш ишлари учун табиий офат оқибатларини бартараф этиш Манзилли дастурига киритиш учун таклиф берилган.

Бугунги кунда 2021 йилдан ўтувчи М39 "Алмати-Бишкек-Тошкент-Шахрисабз-Термиз" автомобиль йўлининг 1012+360 км.даги темир бетон қувурда юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун Манзилли дастур шакллантирилиб, **1500,0** млн.сум лимит маблағлари ажратилган.

#### **Ишлаб чиқариш**

Шунингдек, бошқарма таркибидаги йўл корхоналари ҳисобидаги саноат ишлаб чиқариш цехларида 2022 йил январ-апрел ойларида **17214 тонна а/бетон** маҳсулоти, **5379 м3 шебень**, **15953,0 м3 қум-шағал аралашмаси** ишлаб чиқарилди.

Жорий йилнинг январ-апрел ойлари давомида туман йўл корхоналари томонидан **СП Петромаксдан 280,0 тонна маҳаллий битум** маҳсулоти, биржа орқали бошқа етказиб берувчилардан **870 тонна**, **Жами 1149,0 тонна битум маҳсулоти** харид қилинди.

Транспортлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Жорий йилнинг январ-апрел ойларида **Жами 37048,4 тонна асфальтобетон** маҳсулоти билан йўл қопламасида таъмирлаш ишлари бажарилган.

#### **-Сохага оид таклифлар:**

Жиззах вилоятининг Фориш, Зомин ва Ғаллаорол туманларидаги кучли ёғингарчилик ва дўл ёғиши оқибатларини бартараф этиш, зарар кўрган аҳоли пунктлари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ҳамда тиклаш ишларида умумий фойдаланишдаги автомобиль, ички хужалик йўллари ҳамда автомобиль йўл ўтказгич, суъний иншоотлардаги табиий офат оқибатларини бартараф этишишларини тез ва сифатли бажариш мақсадида куйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларга


- Жиззах вилоятининг Фориш, Зомин ва Ғаллаорол туманларидаги кучли ёғингарчилик ва дўл ёғиши оқибатларини бартараф этиш, зарар кўрган аҳоли пунктлари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ҳамда тиклаш ишларида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари учун буюртмачи этиб, Жиззах вилояти Автомобиль йўллари бошқармаси тайинланишига

-Жиззах вилояти Фориш тумани "Эгизбулоқ" қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидан ўтувчи ўтувчи умумий фойдаланишдаги маҳаллий аҳамиятидаги 4Н1232д "Жиззах-Янгиқишлоқ-Қизилча-Нурота" автойўлидан шахобча "Эгизбулоқ" қишлоғига автомобиль йўлининг 0-4км. қисмларидаги табиий офат оқибатларини бартараф этишга қўшимча киритишга

- Зомин тумани "Навой", "Юксалиш", "Пешағор" МФЙ ҳудудидаги 4 та йўл ўтказиш иншоотларининг 2 та объект умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятидаги 4Р34 "Жиззах-Равот-Зомин-Савот-Хаваст" автомобил йўлининг 20+700 км.да ва 32+800 км.да жойлашганганликларини инобатга олиб Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19-майдаги 243-Ғ- сонли фармойишига қўшимчалар киритиш.

#### **-Сохага оид мавжуд муаммолар:**

-Вилоят ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлашлараро муддати ўтиб бўлганлиги, Қайта қуриш ва Тўла таъмирлаш ишлари дастурига киритилаётган автомобиль йўлларининг камлиги, ҳаракат жадаллиги ошиб боаётганлиги, йўл ўқиға тушадиган оғирлик 13 тоннадан юқори оғир юкли транспорт



воситаларининг қатнови кўпаётганлиги натижасида йўл асоси чўкиб, йўл қоламаларида бузилишлар юзага келмоқда.

--Вилятдаги мавжуд умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг транспорт–эксплуатацион ҳолатини юқори даражада сақлаб туриш учун ажратиладиган лимит маблағлари етарли эмас.

-Йўл таъмирлаш ишлари самарадорлигини ошириш, маблағни иқтисод қилиш мақсадида йўл корхоналарини тежамкор ва самарадор кичик машина-механизмлар билан таъминлаш ва моддий техника базасини босқичма-босқич янгилаш зарур.

-Йўл идораларига ўзбошимчалик билан йўлларни қовлаб ўтган жисмоний ва юридик шахсларга чора кўриш ҳуқуқини бериш.

-Вазни меъёридан ортқча бўлган транспорт воситаларининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида мунтазам қатнашини амалда чеклаш учун қўшимча чоралар кўриш.

-Йўл хўжалиги соҳасини техник жиҳатдан тартибга солиш борасидаги ҳужжатларга жорий таъмирлаш ишлари бўйича ҳуқуқий ва меъерий норматив ҳужжатларни такомиллаштириш зарур.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 72 сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 98-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4563-сонли қарори.
3. МШН 33-2008.“Автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича йўриқнома”. Т. 2008 гг.
- 4 Muminov A. U. et al. Mamlakatimizda yo'llarni qurish va ta'mirlashda asfaltbeton zavodlarning o'rni //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 146-153.
- 5 Муминов А. У. Ў. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидатида асфальтобетон қоришма таркибини ҳисоблашнинг оптимал усуллари //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 11. – С. 434-440.
- 6 Муминов А. Автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш доир тавсиялар //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 292-301.
7. [www.dunyo.uz](http://www.dunyo.uz)
8. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
9. [www.jizzaxavtoyul.uz](http://www.jizzaxavtoyul.uz)

